14 897

ЎТТИЗ МИНГ НИКОҲ ТЎЙИ

Тошкентдаги "Наврўз" тантанали никоҳ уйи очилганига беш йил бўлди. Мустақиллик даврида иш бошлаган саройда 1991 йилдан буён 30 минг ёш ахду паймон маросимидан ўтишди. Никоҳ уйи раҳбари Зумрад Акрамхўжаева бундай деди:

— Мустақиллик байрами арафасида тўйлар кўп бўлиши кутилмоқда. Ҳозирдаёқ мингдан зиёд ариза олинди. Масканимизда Франция, Туркия, Покистон ва бошқа давлатлар фуқаролари никоҳини қайд этиш ҳам йўлга қўйилган.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ХЕВАГА ТРОЛЛЕЙБУС БОРАДИ

Ўзининг 2500 йиллик юбилейига ҳозирлик кўраётган Хева шаҳри аҳолиси шу йилнинг кузида троллейбус қатновидан баҳраманд бўлади. Урганч–Хева оралиғидаги 34 км. масофада троллейбус йўли жадал қурилмоқда. Яқин орада устунлар ўрнатилиб, симлар тортилади. Германиянинг "Синема АГ" фирмаси бу троллейбус йўлини маблағ ва ускуналар билан таъминлаяпти. Фирма республиқа Коммунал хизмати вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

"ЖОНТЕКС" ЖАҲОНГА МАҲСУЛОТ ЧИҚАРМОҚДА

Бухоро. "Жонтекс" Ўзбекистон — Германия иқтисодий ҳамкорлигининг ўзига хос самараси ҳисобланади. Пойтахтдаги корхонанинг Жондордаги бу филиали қурилиши чала қолган ресторан биносига жойлашган. Бир миллион 900 минг АҚШ доллари ҳисобида замонавий дастгоҳлар ўрнатилган. Қисқа фурсатда жаҳон бозорига қарийб 10 минг погон метр патли мато етказиб берилди. Бу корхона жамоаси келгусида турли сочиқ, мебелбоп матолар миқдорини 1 миллион погон метрга етказишни мўлжалламоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

ОБИДАЛАРАРО ТАРОНА ТАРАЛГУСИ

Самарқандда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқий фестивалига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Фестивал тадбирлари ўтадиган сўлим гўшалар, театр, майдонлар ҳамда боғлар таъмирланмоқда. Таниқли санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев "Шарқ тароналари" халқаро мусиқий фестивали дастурининг мукаммал бўлишига режиссёр сифатида ўзига хос талқин билан ёндашмоқда. Ўйлаймизки, ушбу санъат фестивали мамлакатимиз довруғини жаҳонга ёйишда ўзига хос омил бўлади.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 26 июль, шанба № 87 (22.171).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ 1993 йил 27 июль — ***Республика Вазирлар Маҳкамасида вазирликлар, Давлат қўмиталари, концерн, корпорация уюшмалар раҳбарлари ҳамда вилоят ҳокимлари иштирокида йиғилиш бўлди.***

✓ Шу куни ***Германия Федератив Республикасининг «Сименс» компанияси делегацияси Тошкентга келди. Ташриф давомида Ўзбекистон телеалоқа тармоғини ривожлантириш ва уни янгилаш билан боғлиқ режалар хусусида фикрлашилди.***

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ИНТЕГРАЦИЯ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида Узбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Уч мамлакат раҳбарлари — Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ҳамда Асқар Акаев 24 июль куни шу ерда учрашди. Самимий ва ошкора руҳда ўтган мазкур учрашувда Президентлар бугунги кунда мамлакатларимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Давлат раҳбарларининг салкам икки соат давом этган мулоқоти чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, ягона иқтисодий макон доирасида ҳозирга қадар имзоланган ҳужжатларни амалда жорий қилиш жараёни, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро ҳаётдаги долзарб муаммолар бўйича ўзаро умумий нуқтаи назарни ишлаб чиқиш ва қатор бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, бундан уч йил бурун иқтисодий интеграция учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида Узбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Утган қисқа давр мобайнида ушбу шартнома доирасида сезиларли натижалар қўлга киритилди. Жумладан, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкига асос солинди. Элликдан зиёд кенг қамровли лойиҳаларни ўз ичига олган интеграция дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этила бошлади. Шунингдек, минтақада ишчи кучи ва товарларнинг эркин айланиши, валюта сиёсати, солиқ ва божхона масалалари бўйича ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Энг муҳими эса иқтисодий интеграциялашув иштирокчи давлатлар иқтисодиётининг юксалишида ўз таъсирини кўрсата боошлади.

Уч давлат раҳбарининг учрашуви чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнини янада чуқурлаштиришнинг амалий чораларини кўриш муҳим вазифа экани алоҳида таъкидланди. Шу мақсадда Президентлар иштирокчи давлатлар Бош вазирлари кенгашига энергетика, сув заҳиралари, ягона коммуникация маконини шакллантириш, минерал-хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати, шунингдек, ҳудуддаги барча турдаги заҳиралардан оқилона фойдаланиш бўйича халқаро консорциумлар тузиш ҳақида давлатлараро кенгашнинг навбатдаги мажлисига аниқ ва асосли таклифлар тайёрлашни топширишди. Ўзўзидан кўриниб турибдики, ушбу саъй-ҳаракатлардан кўзда тутилган асосий мақсад Марказий Осиёда ягона бозорни шакллантиришдир.

Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашувини чуқурлаштириш мақсадида қабул қилинган қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг («Центразбанк») алоҳида ўрни бор. Учрашувда ушбу банк фаолияти, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари бўйича ижтимоий-иқтисодий комиссия (ЭСКАТО) билан ҳамкорликда Марказий Осиё иқтисодиёти учун махсус дастур ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Хусусан, «Центразбанк» билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, «Токио-Мицубиси» каби йирик халқаро молиявий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Узаро интеграция жараёнининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳам бугунги кунда айниқса муҳимдир. Бошқача айтганда, интеграция ривожи унинг ҳуқуқий механизми қай даражада эканига кўп томондан боғлиқ. Учрашувда интеграциянинг ҳуқуқий механизмини яратиш мақсадида уч республика парламентлари аъзолари кенгашини тузиш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳам айнан шундан далолат беради.

Суратда: учрашув пайти. С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим шартларидан бири минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга ҳам бевосита боғлиқдир. Шу маънода, бугун Афғонистонда кечаётган воқеалар унга қўшни давлатларни ташвишга солиши табиий. Президентлар мазкур масалада узларининг ягона нуқтаи назарда эканини билдириб, Афғонистон можароси тинч музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозим, дея таъкидладилар. Узбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Бишкекда БМТ раҳнамолигида Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Ушбу анжуманда Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ҳамда барча қизиқувчи мамлакатлар вакиллари иштирок этади.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Зеро, шундагина конференция амалий натижа бериши мумкин. Шунингдек, мулоқот чоғида БМТнинг заҳирадаги кучлари сафига кирувчи Марказий Осиё тинчликни сақлаш батальони («Центразбат») фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон раҳбарларининг 1996 йил Бишкекда бўлиб ўтган учрашувида мамлакатларимизда кечаётган сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳақида қўшни давлатларга кенгроқ ахборот бериш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш учун «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журналини ташкил этишга қарор қилинган эди. Чўлпонота учрашувида Президентлар ушбу журналнинг бош муҳарририни тасдиқлашди. Томонларнинг ўзаро розилигига кўра, Узбекистон томондан тавсия этилган Одилбек Қайипбергенов «Марказий Осиё: интеграция муаммолари» журналининг бош муҳаррири этиб тасдиқланди.

Президентлар ўтган уч йил мобайнида биргаликда амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокама қилар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги интеграциявий тараққиёт учун мустаҳкам асос яратилганини таъкидладилар. Шунингдек, учрашувда ўтган давр мобайнида иштирокчи давлатлар ўртасида имзоланган шартнома ҳамда битимларни амалга ошириш учун умумий салоҳиятга таянган ҳолда зарур чора-тадбирларни кўриш бугунги куннинг энг асосий вазифаси экани қайд этилди.

Музокаралар сўнгида иштирокчи давлатлар раҳбарлари уч томонлама қўшма ҳужжатларни имзоладилар. Улар орасидан ягона иқтисодий макон шартномасига аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш тўғрисида имзоланган қарорни алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ушбу қарор мамлакатларимиз иқтисодиётининг бир-бирига янада яқинлашуви, Марказий Осиёда ягона бозорнинг шаклланиши, шунингдек, мавжуд иқтисодий қийинчиликларни имкон қадар тезроқ бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Таомилга кўра, ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Шуни таъкидлаш керакки, журналистларни энг кўп қизиқтирган масалалар иштирокчи давлатларнинг ягона иқтисодий макон шартномаси доирасидаги ҳамкорлиги истиқболи ҳамда минтақа хавфсизлигига таллуқли бўлди. Журналистларнинг ягона иқтисодий макон шартномаси доирасида иштирокчи давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари ушбу шартноманинг асосий мақсади иқтисодий интеграция эканини таъкидлади.

— Марказий Осиё мамлакатларининг ушбу иқтисодий бирлиги аввал бошданоқ иштирокчи томонлар ўртасида интеграция жараёнларини чуқурлаштириш, ўтиш даври қийинчиликларини биргаликда енгиш мақсадида ташкил этилгани барчага маълум, — деди жумладан, Ислом Каримов. — Бугунги кунда айрим оммавий ахборот воситаларининг уч республика ўртасидаги ушбу шартномани бошқача талқин этаётгани эса маълум ғаразли мақсадларга қаратилгандир. Бу ишда кимларнингдир ғайир манфаатлари борлигини тушуниш қийин эмас.

— Яна бир гапни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиманки, — деди Президентимиз сўзида давом этиб, — Марказий Осиё давлатларининг мазкур иқтисодий бирлигини жуғрофий-сиёсий тусдаги Россия-Белорусь иттифоқи билан қиёслаш мутлақо нотўғри. Узбекистон ҳеч қачон бундай иттифоқларга қўшилмайди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги ягона иқтисодий макон шартномасининг асосий мақсади ўзаро ҳамкорликда иқтисодий тараққиётга эришишдир.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, Афғонистондаги можароларни бартараф этиш хусусидаги саволга Президентлар ягона нуқтаи назарда жавоб қайтардилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Афғонистонда кечаётган можароларни бартараф этишнинг ягона йули урушаётган томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш эканини таъкидлаб, жумладан бундай деди:

— Афғонистондаги можаролар якун топиши учун урушаётган томонлар қурол ишлатишдан воз кечмоғи, ўзаро тинч музокаралар йўлини танламоғи лозим. Биз Афғонистон можароси ҳақида ўз нуқтаи назаримизни бир неча ой бурун ЭКОга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Туркманистон пойтахти Ашгабадда бўлиб ўтган саммитида ҳам аниқ-тиниқ баён этган эдик. Бугунги учрашувда Президент Асқар Акаев Бишкекда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференцияси ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Биз бу таклифни қўллаб-қувватладик. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур конференция БМТ раҳбарияти томонидан тасдиқланиб, мазкур халқаро ташкилот раҳнамолигида ўтсагина амалий аҳамият касб этиши мумкин. Умуман, биз Афғонистон муаммосини тинч йўл билан имкон қадар тезроқ ҳал этиш тўғрисидаги барча таклифларни қувватлаймиз.

Шунингдек, матбуот анжуманида Марказий Осиё тинчликни сақлаш батальони ҳамда Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолияти билан боғлиқ масалалар хусусида ҳам сўз борди. Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Хулоса қилиб айтганда, Узбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг Чўлпонотада ўтган мазкур мажлисида минтақада иқтисодий интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш учун ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва омилкорлик зарур экани яна бир бор таъкидланди. Зеро, бу кўзланган мақсадга етиш учун энг мақбул йўлдир.

25 июль куни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Чўлпонотадан Тошкентга қайтиб келди. Тошкент аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Кутиб олувчилар орасида Қирғизистоннинг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Сиддиқов ҳам бор эди.

Фарҳод АРЗИЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Чўлпонота —Тошкент.
(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***«Интернет» ахборот тизимидан хабар қилишларича Кобул аторфидаги вазият ҳақида турли хабарлар келмоқда. Хорижий мухбирларнинг айтишларича, уларни асосий жанглар бораётган жойларга ўтказишмаётганмиш. Вазиятни ўрганиш учун эса фақат қарама-қарши бўлиб турган томонларнинг ахборотларидан фойдаланиш мумкин. Генерал Аҳмад Шох Масъуд қўшинлари чоршанба куни Хусейн аҳоли пунктини ишғол этишган. У Кобулдан 25 км. шимолда жойлашган.***

☑ ***Қочоқларнинг хабарларига кўра икки томондан ҳам катта қурбонлар бор, дея хабар беради «Интернет». Генерал Масъуд қўшинлари шарқий йўналиш бўйлаб ҳужум уюштириб, Афғонистон пойтахтини Жалолобод шаҳри билан боғлайдиган йўлга чиқишга интилмоқдалар. Агар улар бунга эришишса, толибларга қарши кучларнинг мавқеи анча яхшиланади.***

Карим Халилий раҳбарлигидаги Масъуднинг иттифоқлари эса Кобулга ғарб томондан, яъни Майдони Шаҳрадан ҳужум қилишмоқчи. Чет элликлар яқин келажакда қаттиқ жанглар бўлишидан хавфсираб, Афғонистон пойтахтини тарк этмоқдалар. Уч кун аввал 120 нафар хорижий мутахассиснинг дастлабки 20 нафари Кобулни тарк этди.

☑ ***Куала—Лумпур шаҳрида АСЕАН мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг 30-конференцияси ўз ишини якунлади. Анжуман қатнашчилари ушбу ҳудуддаги сиёсий ва иқтисодий муаммоларни муҳокама қилишди.***

☑ ***Малайзия Бош вазири Махатхир Муҳаммад ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кирган Бирма ва Лаосни табриклади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ушбу ташкилот 500 миллион аҳоли яшайдиган 9 мамлакатни бирлаштириб турибди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 1997 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 июль.

***

Олий Мажлис тўққизинчи сессиясининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритиш мўлжалланмоқда:

1. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур лойиҳаси тўғрисида.
2. Таълим тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури лойиҳаси тўғрисида.
4. Миллий хавфсизлик концепцияси лойиҳаси тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикасининг божхона кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
6. Бож тарифи тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
7. Давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
8. Давлат солиқ хизмати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
10. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси лойиҳаси тўғрисида (иккинчи ўқишда).
11. Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
12. Ўзбекистон Республикасининг қонунларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқишда).
13. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам ҳавола этиш мўлжалланмоқда.

ЮКСАК МАДАНИЯТ РАМЗИ

Мусиқа — халқимизнинг энг ибтидоий, энг қадимий ижоди. У сўздан олдин пайдо бўлганми, сўздан кейинми деган баҳсга иккаласи эгиз туғилган деган мулоҳаза, эҳтимол жавоб бўлар. Бундан қатъи назар, куй инсоннинг руҳий табиати шаклланишида сўз қадар кучли таъсир ўтказгани шубҳасиз.

Қайси халқ қандай табиий муҳитда яшаса, қандай турмуш кечирса, у яратаётган мусиқада ҳам шу ҳолат акс этади. Соф шарқ тароналарида кенгликлар, иссиқ қуёшнинг тафти, карвонларнинг юриши, отларнинг дукури, чексиз соғинч, шиддатли чорлов барқ уриб туради. Куй миллатнинг миллий туйғуларини уйғотади, тарбиялайди. Миллатни емирувчи ташқи таъсирлардан ҳимоя этувчи воситалардан бири ҳам куйдир. Куй миллатни ҳар қандай мафкуравий ҳужумлардан муҳофаза этувчи энг мустаҳкам мудофаа истеҳкомларидан биридир.

Бугунги кунда «Шарқ тароналари» фестивалини ўтказиш зарурати ана шундай эҳтиёж туфайли пайдо бўлган. Фестиваль миллий мусиқа ва унинг турли жанрлари тараққиётига кучли таъсир ўтказади. Шарқ халқлари мусиқаси, мумтоз мусиқа санъати ривожига сезиларли таъсир кўрсатади. Мусиқий меросимизнинг бутун бўй-басти, қадру аҳамиятини дунёга намоён этади. XXI аср бусағасида ўзбекнинг мусиқаси ҳам замонавийлашади. Айни пайтда миллий либосини янгилайди.

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Узбекнаво» гастроль-концерт ва «Узбекрақс» бирлашмалари, Узбекистон Бадиий академияси, «Узбектуризм» миллий компанияси, Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилояти ҳокимликлари ҳамда бошқа бир қанча вазирликлар, идоралар ушбу халқаро миқёсда ўтадиган фестиваль ташкилотчиларидир.

Бундай нуфузли мусиқа анжуманини ўтказиш давлатимиз раҳбари томонидан рағбатлантирилди ва қўллаб-қувватланди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида эса фестивални ўтказиш бўйича амалий иш режалари ва вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Фестивалнинг асосий талаблари шундан иборатки, унга тақдим этилаётган асарлар миллий руҳда, ўзига хос ва айни пайтда янгича бўлиши керак. Анжуман доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг умумий хусусиятлари» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтади.

Анжуманда 38 та Шарқ мамлакатларидан вакиллар иштирок этиши назарда тутилган. Бундан ташқари, Европа, Америка қитъасидан ҳам қизиқувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

«Шарқ тароналари» мустақиллик йилларида биринчи марта ўтказилаётган ғўзал шарқона байрамдир. У истиқлол байрами тантаналарига уланиб кетади. У ўз нуфузи, аҳамияти жиҳатидан «тарихий воқеа» дея тан олишнинг шубҳа йўқ. Фестиваль янги-янги талантларни юзага чиқаради.

Ҳофизларимиз, бастакорларимиз ижодини бир гулшанга қиёслаш мумкин. Бу гулшан бир-биридан ғўзал гулларга тўла. Ҳар бир гулнинг ўз атри, ўз чиройи бор.

Халқимизнинг мусиқа созлари номини санашнинг ўзи киши кўнглини фахру ғурурга тўлдиради: танбур, дутор, тор, най, сурнай, қонун, уд, чанг, доира, чанқовуз... Нақадар кўп улар! Буларнинг бари халқимиз маданияти юксаклигининг белгисидир.

Салим АШУРОВ.

ҚАЙДАН БОШЛАНАСАН, ОТА ЮРТ?

Ватан харитаси

Бугун мен Ватанни англагандай бўлдим. Буни олис шаҳар бағрида юриб уйга қайтиб бориш фикри барча ўйлаган орзуларимдан устун келгандагина пайқадим... Қайтиб борсам тўлиб-тўлиб куйламоқчиман тоғларни, қишлоқни, сойларни, далаларни, буғдойзорларни, одамларни... Тоғларга фақат мағрур қуйлашим ярашиб туришини англадим. Ахир, мен мағрур куйлаб турган жойда безалган, баландпарвоз майдакашлик тоғларимнинг шаънига тўғри келарми? Йўқ?

Мана, олисдаман. Ҳеч нима халақит бергани йўқ. Тонгда яна юрагимнинг теран жойида соғинч ғимирлаётганини сезмай кўз очаман. Кўпинча бахтиёрлик туйғуси унутишга ёрдам беради. Чунки бу ерда ҳам хушчақчақ дўстлар бор, уларнинг меҳри, ширин суҳбати бор. Муҳаббатдай тансиқ туйғудан баҳра олиб яшаётган ўн саккиз баҳорлиларининг орзулари бор... Гўё абадий яшаб, дўстлар билан мангу бирга бўладигандай кўп нарсани унутиб қўямиз. Аммо дўстлик тақдим қилган эҳтиросларга алданаётганимизни ҳам сезмай қоламиз. Мен ҳам дўстликнинг завқ ва хаёли билан тонгларни оттираман.

Ў, тақдирни қаранг. Одамзод пайдо бўлибдики, тақдир уни дунёга келтирди, тақдир унга умр берди... Зеро, шоирлар қишлоқда туғилишди, тоғларда улғайишди. Сўнг юртдан олислаб тўрт сатрни битган бўлишди:

Эй, ота юрт, эй она қишлоқ
Соғинганим биларсизми, ҳой.
Билинарми ҳали ҳам ўрним,
Оғрийдими мен узилган жой?

Беихтиёр хаёл ортимга олиб кетади. 1991 йил 22 сентябрь... Худди шу сана хотирамда негадир чуқур из қолдирган. Ўша куни шундай бўлганди: Тоғамнинг сигири тўрт-беш кундан бери уйга келмай қолган экан. Тоғамнинг гапи билан мен ҳам тоғ бўйлаб сигирни қидиришадиган бўлдим. Аслида бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Шуни айтмоқчи эдимки, ўшанда тоғларнинг бунчалар улуғвор бўлишини дилдан ҳис этишга муяссар бўлгандим. Қишлоқ тоғ орасида жойлашган бўлса-да, мен бундай англаб бўлмас телбавор туйғуларга парво қилмаган эканман. Бир пайтлар тоғнинг энг баланд жойларидан бирига самолёт қулаган, тўрт-беш бўлакка бўлиниб, сочилиб кетган. Ўшанда самолёт кабинасининг сиртига учқур тош билан қириб ёзгандим: «Шоди. 1991 йил 22 сентябрь». Мен бу нарсани бекорга ёзмагандим. Гўёки ҳеч кимга баён этолмаган ички туйғуларим мана шу битикда акс этадигандек эди...



— Олинг, тилингизни тарс ёради...

Ўйга толаман. Қишлоқнинг ташвиши кўп. Суянчиғи фақат ер. Суянчиғи фақат ўша ердан униб чиқадиган буғдой. Мен эса бу ёқда кўп нарсани фарқлашни билдим. Қишлоқ ўзини ҳам, шаҳарни ҳам боқади. Шаҳарлар... ўсаверади. Шаҳарлар ёш болага ўхшайди. Шаҳарларнинг қари онаси қишлоқ. Шаҳарлар қишлоқдан пайдо бўлишган. Шаҳарлар қишлоқни ўзгача тасаввур этади. Ахир, бу ерда ҳам ҳаёт қайнамоқда. Бу ерда ҳам изтироб, азоб, роҳат... Бу ерда ҳам қизлар йигитларнинг йўлига кўз тиккан. Қишлоқ йигитлари... Эҳҳе... Уларни шаҳар йигитларига ўхшаб «эркатойлик» эмас, севги, муҳаббат, хуллас, улуғ ҳаяжон улғайтиради. Меҳнат — елкадан тушмайдиган кетмонда ўз бўйи-бастини кўрсатади. Деҳқон роҳатини кўради. Унинг содда, очиқ кўнглида исёнкор туйғулар. Нега индамайдилар. Ўзимни тўхтатолмайман. Гўё мен уларнинг равнақи учун кўксимни тоғ қилмоқчи бўламан. Ватанимни ёмонлардан, ёмон кўзлардан ҳимоя қиламан.

Шоди ОТАМУРОДОВ,
ТошДУ журналистика факультети талабаси.

Хатлар
Хатлар
Хатлар

ЧУҚУРСОЙНИНГ СУВИ ҚУРИДИ...

Пойтахтимизнинг бир буржида Чуқурсой номли кўча бор. Шундай аталувчи темир йўл бекати ҳам мавжуд. Чуқурсойда 19 та икки қаватли, 4 та тўрт қаватли уйлар ва кўплаб ҳовлилар жойлашган. Минглаб киши истиқомат қилади. Чуқурсойликлар айни кунларда ажойиб синовни бошдан кечиришмоқда. Шу йил 1 июлдан жўмракларга ичимлик суви онда-сонда келадиган «ғалати одат» чиқарди. 10 июлдан эътиборан эса сув умуман йўқ. Аксига олиб ҳаво қурғур исиқ, тез-тез сув ичинг келади. Қолаверса, кийим-бош деганларини ювиш керак. Хуллас, сувсиз кун кечиришнинг умуман иложи йўқ. Чуқурсойда эса сув йўқ!?

— Хўп, сув бўлмас экан ташиб етказилмайдими? Нима учун ҳе йўқ, бе йўқ сувни ўчиришади-да, томошабинлик қилишади, — дейди. Шу шаҳарчадаги 16- уй, 18-хонадон соҳиби Ҳусниддин Шарипов.

— Одамлар Чуқурсой шаҳарчаси, уй-жой бошқармасида бўлиб вазиятни тушунтиришганига ҳам 10 кундан ошди. Лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлмади дейди, 8-уй 18-хонадон соҳибаси Гулноза Йўлдошева.

— Шаҳарчамизда на бозорча бор, на сабзавот дўкони. Бир дўкон мавжуд холос. Унинг пештахтасидан ҳам салқин ичимликдан бошқа нарсани тополмайсиз. Энди сув муаммоси чиқиб турибди, — дея бош ирғайди 16-уй 6-хонадон соҳиби Рифат Гилманов.

— Автобуслар ҳам кеч соат 8 дан кейин қатновини тўхтатади. 25,10-троллейбуслар фалон чақирим нарида йўловчилар билан хайрлашишга мажбур. Кўчаларимиз носоз, чанг-тўзон, — гапга қўшилиб кетди Зинаида Славкина.

«Талашсанг кўз чиқади, гаплашсанг сўз» деганларидек Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Чуқурсой шаҳарчасида ечимини топмаса бўлмайдиган муаммолар кўп. Тегишли ташкилотларнинг мутассади раҳбарлари бунга нима дейишаркин?

Тўлқин ЁРҚУЛОВ.

АСР АСАРИГА ҚИЗИҚИШ

АНДИЖОН. УзХДП вилоят кенгаши юртбошимиз И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини партиядошлар ва халқ ўртасида тарғиб этиш бўйича кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда.

Хусусан, шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, масъул ходимлари иштирокида ташкил этилаётган йиғинда Андижон қишлоқ хўжалик институти профессори Р. Файзиев аср асарининг моҳияти тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда УзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов иштирок этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

МАЪНАВИЯТГА БАҒИШЛАНГАН ГУРУНГ

ХОРАЗМ. Янгибозор туманидаги «Боғолон» жамоа хўжалигининг хушманзара ва хушҳаво масканида мароқли гурунг ташкил этилди. Бу ерга олимлар, шоирлар тўпланишди. Тадбирни ХДП вилоят кенгаши Хеванинг XXV асрлик тўйи ҳамда шоир Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллик маъракасига бағишлади. Давра суҳбатида ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов, туман ҳокими М. Юсупов иштирок этди.

Рўзимбой ҲАСАН.

АСОСИЙ ВАЗИФА — ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК

Элликқалъа тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати А. Ҳ. Тожиевнинг қабулхонасида ҳеч ким йўқлигини кўриб, тўғриси, ҳайрон қолдим.

Чунки туманларда ҳоким қабулхонасида қабул кунларидан бошқа кунларда ҳам турли масалалар, масалан, иш сўраб келган йигит, нафақасини вақтида ололмаган қария, раис билан келишолмаган фермерни кўриш одатий ҳол-да.

Мен Амин Ҳамроевични суҳбатимиз мавзуи ҳақида олдиндан огоҳлантирган эдим. У компьютердан ҳокимлик қошидаги хўжалик ҳисобидаги ер кадастри бўлимининг энг сўнгги маълумотларини излаётган экан.

— Амин Ҳамроевич, ҳозирги шароитда режаларнинг бажарилгани ишларнинг яхши эканлигини кўрсатмайди. Бозор иқтисоди бизни ана шу режанинг бажарилиши орқасидаги фойдаю зиённи ҳам таҳлил қилишга ўргатди. Экологик шароити оғир, ери кўп меҳнат талаб қиладиган Қорақалпоғистон деҳқони эса, бу таҳлиллардан кейин аксарият ҳолларда бармоқ тишлаб қоляпти...

— Биз ҳам бундан мустасно эмасмиз. Ўтган йил пахта тайёрлаш йиллик режаси 102,5 фоизга бажарилган «Москва» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмасида бир гектар ерда пахта етиштиришга 33 минг 880 сўм харажат қилиниб, 27 минг 186 сўм даромад олинган. Бу — 6694 сўм зарар демакдир. Уюшмада ҳар гектар дон учун маккажўхоридан 616 сўм, шолидан 561 сўм ва бошқа деҳқончиликлардан 2716 сўм фойда ҳисобига жами 632 минг сўм фойда, яъни бир фоиз рентабеллик билан йил якунланди. Туманимиздаги иқтисодий аҳволи энг ёмон бўлган «Қирққиз» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида бир гектар ерда пахта етиштиришдан 22 минг 523 сўм зарар кўрилган.

Бу таҳлилларнинг ҳаммаси ерга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, деҳқоннинг ернинг мелиоратив аҳволини, ҳосилдорликни яхшилашдан манфаатдорлигини ошириш йўллари ҳақида жиддий бош қотириш лозимлигини кўрсатади.

Шу мақсадда ўтган йил қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассислари бошчилигида тажрибали, хўжаликлардаги ерларнинг хусусиятларини биладиган деҳқонлар иштирокида махсус гуруҳ тузилиб, ҳар бир далага 100 балли системада баҳо берилди. Бу ишнинг якунларига назар ташлайдиган бўлсак, биргина «Қирққизобод» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида деҳқончилик қилинаётган 2112 гектар майдоннинг 0,7 фоизи 70 балл, 6,4 фоизи 60 балл, 37 фоизи 50 балл, 32 фоизи 40 балл, 19 фоизи 30 балл, 4,9 фоизи 20 балл, 4,8 фоизи 10 балл билан баҳоланиб, уюшма бўйича ерларнинг ўртача бонитети 35,6 балл ҳисобида эканлиги аниқланди. «Тоза Амиробод» фермерлар уюшмасидаги ерларнинг ўртача бонитети 56,7 баллни, қўриқ «Чайка» массивида эса 26,2 баллни ташкил этди. Массивдаги ерлардан кам даромад олиниши табиий. Бунинг устига массивнинг аҳоли пунктидан, ёнилғи, минерал ўғитлар билан таъминлаш, маҳсулотни қабул қилиш корхоналаридан узоқлиги қўшимча харажатлар талаб қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, қўриқ ерда деҳқончилик қилаётган фермерларнинг манфаатларига путур етаётгани аниқ кўринади. Президентимиз Ислом Каримов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида «Оролбўйи минтақасининг, айниқса, Қорақалпоғистон-нинг табиий шароити мураккаб. Бу ерда сув тақчил, ёз жазирама иссиқ, қиш совуқ келади. Тупроқ ўта шўрланган. Бу ерда деҳқончилик икки-уч баравар кўп меҳнатни талаб этади. Ана шу жиҳатдан қараганда, қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак», дея ҳаммамизнинг дилимиздаги фикрни баён этдилар. Назаримда биз икки хил шароитда ишлаётган деҳқоннинг меҳнатини тенг йўлини топгандекмиз. Унумсиз ерларга камайтирилган ер солиғи белгиланиб, давлатга тўланиши керак бўлган миқдор ўртасидаги фарқ унумдор ерларга кўпроқ солиқ белгилаш билан мувофиқлаштирилади.

— Кўп жойларда жамоа чорвачилик фермалари уюшмадан ажралиб чиққач, кутилган натижа ўрнига акси бўлди — улар яқин орада ўнглаб бўлмас даражага тушдилар. Моллар бош сони камайиб кетди — зооветеринария хизмати яхши йўлга қўйилмагани туфайли моллар ўлиши, бузоқ олишнинг камайганлиги ва молларнинг иш ҳақи сифатида тарқатиб юборилгани эвазига...

— Бизда эса оз бўлса ҳам ижобий ўзгаришлар бор. 1996 йил қорамоллар сони ошиб, 4818 бошга етди. Ҳар юз бош сигирдан бузоқ олиш иккитага кўпайди. Бу натижага чорвадорга иш юритишда мустақиллик амалда берилгани туфайли эришилди. Маҳсулот сотиш бўйича ким билан шартнома тузишни уларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Ахир бўрдоқичилик корхонаси берилган мол учун ҳақни ўз вақтида тўлай олмаса, чорвадорни айнан шу корхона билан шартнома тузишга мажбур қилишга кимнинг ҳаққи бор? Яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим — деярли барча уюшмаларда зооветеринария хизмати кўрсатувчи хусусий фирмалар бор.

Бу ишларнинг пировард натижаси шундай — чорвачилик ҳиссадорлик уюшмалари фермерлар уюшмаси таркибидаги бошқа ширкатлардан, уюшмадан асосий воситалар ҳисобига қарзларидан батамом қутилдилар. Ҳисобларида айланма маблағлари ҳам бор.

— Барибир, қишлоқда ишлаётган ҳар бир кишига тўғри келадиган ер майдони оз экан, қўлини қайга узатса бемалол етадиган бой деҳқон-фермер ҳақидаги гап ҳозирча орзулигича қолаверади...

— Тўғри айтдингиз. Ҳозир туманимизда қишлоқ хўжалигида ишлаётган ҳар бир кишига 1-1,5 гектардан экиладиган ер тўғри келади. Амалга ошираётган ишларимиз яқин йиллар ичида бу кўрсаткични 3 гектарга етказиш имконини беради.

Қишлоқларда ташкил этилаётган ва яна қурилаётган гузарларнинг ҳар бирида ўнлаб кишилар иш билан банд. Гузарлар савдо-сотиқ, дам олишгина эмас, ўзига хос ишлаб чиқариш марказига ҳам айланди. Бу ерда ширинликлардан тортиб, дурадгорлик, қурилиш ва бошқа халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқариляпти.

Кейинги икки-уч ойнинг ўзида ишга тушган сутни қайта ишлаш, колбаса ишлаб чиқариш цехлари, пардозлаш плитаси ишлаб чиқариш корхонаси кабилар янги иш ўринлари очиш, аҳолини зарур моллар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Бу йил мамлакатимизда

Депутат минбари

Инсон манфаатлари йили деб эълон қилингани бежиз эмас. Зеро, жамиятнинг иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган инсонга ғамхўрлик биринчи даражали вазифа қилиб қўйилсагина, ижобий силжишлар бўлади.

Яқинда кам таъминланган оилаларнинг 200 нафар фарзанди учун олийгоҳларга кириш учун тайёргарлик кўриш марказини ташкил этдик. Ёшлар бепул ётоқхона ва овқат билан таъминланган. Иқтидорли ўқитувчилар уларни тест синовларига тайёрлашяпти.

Туманимиздаги «Элтекс» ҳиссадорлик жамияти ва бошқа корхоналар мана учинчи йилдирки, барча мактаб ўқувчиларига кийим-кечак совға қилишдек хайрли ишга бош қўшган.

Моддий ғамхўрлик билан бирга маънавий ғамхўрликни ҳам ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак. Тумандаги пахтани қайта ишлаш корхонаси фарзандларимизга мусиқа мактаби қуриб бериш ташаббуси билан чиқди. Бошқа корхоналар, хусусий фирмалар ҳам қараб турмади. Йил охирига — массив ўзлаштирилганининг 25 йиллиги, туман ташкил топганининг 20 йиллигига мусиқа мактаби фойдаланишга топширилади.

Амин Ҳамроевич билан суҳбатдан кейин ҳамиша баҳсларга сабаб бўладиган «туман раҳбари дала одамими ёки кабинет?» деган саволга жавоб топгандек бўлдим. Ҳокимни даладан айириб бўлмайди. Лекин дала билан бевосита шуғулланадиган одамлар — уюшма раиси, мутахассислар бор. Ҳарқалай, турли далил, иш ва унинг натижаларини компьютерда таҳлил қилаётган, бу таҳлиллар натижасида аниқ намоён бўлган муаммоларга ечим излаётган ва ечишга эришган киши бугунги кунининг раҳбари қиёфасига кўпроқ мос келса керак...

«Ўзбекистон овози» мухбири Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, суҳбатлашди.

РАҲБАРНИНГ ЛАФЗИ БЎЛСИН

Аҳолини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисидаги Президент Фармони, афсуски ҳамма жойда ҳам бажарилмаяпти. Балиқчи туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалиги 1992 йилда кўпгина қишлоқларни газлаштирганди.

Бунинг учун туман марказидан Улуғбек жамоа хўжалиги ҳудуди орқали 4500 метрлик масофага 2 миллион 179 минг 403 сўм сарфланиб газ қувури ётқизилганди.

Дастлаб газдан бемалол фойдаландик. Лекин орадан бир йил ўтар-ўтмас, айниқса, 1995 йилнинг қиш ойларида газ камайиб, узилишлар бўп турди. Туман газлаштириш идорасига ариза бердик. Газ босими тобора пасайиб кетди. Аҳолининг ҳақли талабига идора бошлиғи Олимжон Ҳамдамов беписандлик билан қараб келяпти. Боз устига то жамоамиз ҳудудигача бўлган 6 жойдан диаметри 114 миллиметргача бўлган қувурларни ноқонуний равишда уланган.

Айни кунларда туманимиз ҳудудидаги «Биолаборатория» ёнидан ноқонуний тарзда улашга рухсат этилди. 1994 йилдан буён неча бор газлаштириш идораси бошлиғига шикоят қилдик. 1995 йил 12 январь куни бошлиқни жамоамизга таклиф қилдик. Афсус, бошлиқ лафзида турмаяпти.

Ўтган йил «Ўрта қўрғон» қишлоғидаги чойхонада яна шу масалада идора бошлиғи билан музокара олиб боргандик. Натижаси бўлмади.

Ваҳоланки, туман марказидан бизнинг жамоагача бўлган ҳудудда босим юқори бўлган бошқа линиядан газ улаш имконияти мавжуддир.

Қачонгача жамоамиз аъзолари амалпараст бошлиқ билан музокара олиб бораркин?!

Маматбой ҚОБУЛОВ,
Андижон вилояти

ЗЎРАВОННИНГ ДАМИ ЧИҚДИ

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Убайдулла Н. бир жойда ёлчитиб ишламаган. Муқаддам судланганлигига қарамай қўйилмади. Тегмаганга кесак отишни хўш кўради. Ёши қирқни ёқалаб эс битмаганига нима дейсиз? Ўтганнинг ўроғини, кетганни кетмонини олиб, бировларнинг жиғига теккани-теккан.

Халқимиз ётиб еганга тоғ ҳам чидаш бермайди деб тўғри айтган. Убайдулланинг бўйни меҳнатга ёр бермаса. Такасалтангни қайси бир корхонанинг раҳбари иссиқ юз билан қабул қилади. Ишга жойлашганининг тўртинчи куни Убайдулла қилдан қийиқ ахтаради. Яхши дўстларнинг ўртасига ола мушукни ўтказиб юборади. Кўрибсизки, ким кимдан ўч олиш пайида адоватдан кўкайи кесилади.

Йўқ, Убайдулла учрашмаган корхона ва ташкилот қолмади. Ҳамма жойдан ундан этагини силкитди. Ёмонга ёндашишни ким ҳам истайди. Маҳалла оқсоқолларининг ёрдами билан ишли ҳам бўлди. Аммо узлуксиз ишга чиқмаганлиги сабабли паттасини юлишди. Унинг эса парвойи палак. Оламни сув боссаям тўпиғига келмайди. Минг сўмлик ишга белини қайиштириб ўтирармиди. Букрини букриси гўрда тўғри бўлади деган гап бор. Убайдулланинг қўли эгрилиги ҳам тириклигида тўғри бўлмаса керак. «Ўтириб» чиққан зонанинг тупроғи тортдими, у яна жиноятга қўл урди.

Холмўмин Эгамбердиев билан бир марта юз келди-ю ундан ажралгиси келмай қолди. Қараса, дўқидан ўтирадиган, зўғумидан югурадиганга ўхшаб кўринди. Иккиси арзимас нарса устида тортишиб қолди. Убайдулла унга бўкириб берди: «500 минг сўмни бир ҳафта ичида тўғрилаб олиб келмасанг, онангни учқўрғондан кўрсатаман».

Холмўминнинг ичига қайноқ сув қуйилди. На ўтириши, на юришида тайин бор. Игна ютган жонивордай атрофида гир-гир айлангани-айланган. Охири арзи-додини вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция, рэкет ва терроризм бошқармасига мурожаат қилди. Тезкор гуруҳ тузилди. Гуруҳга милиция майори Баҳодир Асадов раҳбарлик қилди. Тўра Зубайдуллаев, Асқар Турсуновлар ҳам гуруҳга киритилди.

Белгиланган муддатда Холмўмин Эгамбердиев Убайдуллага пулни санаб бераётган пайтида милиция ходимлари воқеа устидан чиқиб қолишди. Убайдулла тўрга тушган балиқдай сапчишдан бошқа чора топмади. Қўлига кишан урилди.

Қилмиш-қидирмиш. Қонун ҳар қандай зўравоннинг дамини чиқаради. Дами чиққан Убайдулла яна сим тўр ортида «дам» олиб келади. Зеро, унга ақл битармикан?

Ўроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта позири, милиция капитани.

ИЛМКОН НУРАБ БИТСА-Я?!

Хўжа Илмкон тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Одамлар бу қишлоқ тарафларга келишни орзу қилишган. Албатта, бекорга эмас. Боиси, бу ерда илмли, билимли, зукко кишилар яшаган экан. Бинолар орасида катта хонаҚоҳ қишлоқнинг кўрки бўлиб, олис-олислардан кўзга ташланиб туради. ХонаҚоҳнинг атрофи ҳужралардан иборат бўлган. Афсуски, 70-йилларда барчаси бузиб юборилган. Мана, энди Истиқлол шарофати билан қадриятларимиз тикланиб, бу қишлоққа ҳам бошқача эътибор билан қаралмоқда. Фақат бир нарса, у ҳам бўлса Хўжа Илмкон ёдгорлиги тобора нураб бормоқда. Бу одамлар кўнглига ғашлик солмоқда. Наҳотки, қадимий меъморчилик дурдоналаридан бири бўлган ўзига хос бинолар мажмуи нураб битса. Қизиғи шундаки, Китоб томонларга йўл олган саёҳатчилар, албатта Хўжа Илмконни зиёрат қиладилар. Унинг аянчли аҳволи эса кўпчиликни ранжитмоқда.

Юртимизда қанчадан-қанча обидалар қайта тикланаётган бир пайтда «Ёдгорлик» ташкилоти ҳамда Китоб тумани ҳокимлиги Хўжа Илмконни қайта таъмирлаш ҳақида ўйлаб кўрса яхши бўларди.

Ғайрат МАЖИДОВ, Қашқадарё вилояти.

Истиқлолнома

ЭЛИМ

Баҳор либосин кийди Шаҳривайрон тепалар.
Наврўз нағмаларидан кўнгли ҳайрон тепалар.
Мажнунтолдай соч силкиб қизалоқлар ўтади,
Ўртачўлни кўрпадай қизғалдоқлар тутади.
Сўфитўрғай чулдираб уйғотганда тошларни,
Табиат ошиқ қилар ҳатто етмиш ёшларни.
Далага қўш чиқарган деҳқон элим ортидан,
*Бахшиёна сас келар Саид Паноҳ*юртидан.*

Ерга тушган чигитнинг кўкси бўртиб боради.
Қўзичоқлар яйловда чимни «кертиб» боради.
Дошқозонлар бошида фаришталар тўпланар.
Келин-кеват, кайвони саришталар тўпланар.
Хино босган кафтларда очилади лолалар,
Келинли кўчаларда ирғишлайди болалар.
Келиларда кўпирар новвот—майса шарбати,
Наврўз кунда синалар бойбикалар ҳиммати.
Келинчаклар сузилар ўн тўрт кунлик ой бўлиб,
Кампиршолар иззатда сўзлари буғдой бўлиб.

Ҳолвапазлар санъати пашмакларда «сўйлайди».
Лой ҳуштаклар жаннатнинг сурурларин куйлайди.
Нишоналик қизларга тоғора-тунга келар,
Қўли очиқ қудалар қудағайни сийлайди.
Қўллардаги қадоқлар майиндан-майин бўлар,
Давраларда «Беш қарсак», «Қайроқи» ўйин бўлар...

Қизлар тиккан рўмолча шаршараси дур, дедим,
Кулгулари гул дедим, хаёли ҳур-ҳур, дедим.
Байту барак, ўланлар, лапарлари жаранглар,
Мўйловин бураб кулар ҳатто феъли тажанглар.
Қаҳқаҳа кулгу, базм. Қизийди дор ўйини,
Ҳофизлари тор чертса — тўрғай учар торидан,
Бургутдай эниб чиқар полвонлар кўпкаридан,
Калавадай эшилиб Ер ҳам тинглар мастона
Шароб ичган йигитдай «Ёр-ёр», «Чаман нори»дан.

Варракбозлик бир тараф.
Чавандозлик бир тараф.
«Қиз қувар»га сатта нор йигитчалар сафма-саф.
Ҳув, сўз бермас момони Тилла кампир десамми?
Ҳазориспанд исларин анбар-атир десамми?

«Адоғ, адоға, дилбар,
Жонлар садоға, дилбар,
Сунбул сочингни ёйиб,
Келгил бу боға, дилбар.
Олмани баргидаккина
Жийдани баргидаккина...»
Куёв тўра келинни арғимчоқда учириб,
